

15- аср жахон маънавиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий хижрий 844 йил рамазон ойининг 17-куни (1441 йил 9 феврал)да Хиротда тугилган. Хирот шаҳри XV аср биринчи ярмида Соҳибкирон Амир Темур асос солган улуг салтанатнинг иккинчи пойтахти, Темурнинг кенжа ўгли Шохрух Мирзонинг кўл остидаги обод манзилларидан бири эди. Алишер тугилган хонадон Темурийлар саройига азалдан якин ва юртда муайян нуфуз соҳиби эди.

Бўлгуси шоирнинг отаси Гиёсиддин Мухаммад ўглининг тарбиясига жиддий эътибор берди. Алишернинг шеъриятдаги илк устози тоғаси Мир Саййид Кобулий ва Мухаммад Али Гарибийлардир. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Кобу-лий хакида: «Яхши табъи бор эрди, туркчада майли кўпрок эрди...» деса, Гарибий хакида: «Хуш муховара (хушсухбат) ва хушхулк ва дардманд йигит эрди. Кўпрок созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусикий илмидин ҳам хабардор эрди...» — дейди.

1447 йилда Шохрух вафот этгач, Темурий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт дарди хуруж килиб, юртда талотўп бошланди ва Гиёсиддин Мухаммад хонадони ҳам кўп катори ватанни тарк этди. Ёш Али-шер учун такдир синовлари бошланди. Шохрухнинг набираси Абулкосим Бобур 1452 йилда Хирот тахтига ўтиргач, Алишернинг отасини Сабзаворга ҳоким этиб тайинлади. Лекин орадан кўп ўтмай Гиёсиддин кичкина дунёдан кўз юмди. Бу пайтда Алишер эндигина 12 ёшга кадам кўйган эди. Абулкосим Бобур Алишер ва унинг мактабдош дўсти Хусайнни ўз тарбиясига олди, 1456 йили эса ўзи билан Машхадга олиб кетди. Кейинчалик Хусайн Бойқаро сипохийлик йўлини танлади, Алишер эса замонанинг «малик ул-калом»и Мавлоно Лутфий тахсини ва хайратига сазовор бўлган истеъдод эгаси бўлиб етишди. «Фақирнинг назмлари Хуросонда шухрат тутиб эрди», деб ёзади Навоий 1455—1458 йиллар хакида.

Такдир Алишер Навоийни замонанинг улуг ва шарафли кишиларига якин килди, устоз-мураббийлик этувчи зотлар билан ошно этди. 1466—1468 йиллар Алишернинг умри асосан Самаркандда кечди. Сул-тон Хусайн Бойқаро Хиротни эгаллаганда, Алишер Навоий 28 ёшли мукамал билимлар эгаси, юртга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етишган эди.

1469 йилда Султон Хусайн илтимосига кўра Алишер Навоий Самарканддан Хиротга кайтади ва рамазон хайити муносабати билан дўсти шарафига битилган «Хилолия» касидасини унга такдим этади. Хусайн Бойқаро Алишерни муҳрдор килиб тайинлайди ва шу пайтдан шоирнинг эл хизматидаги фаол жидду жаҳди бошланади. Кўп ўтмай Навоий муҳрдорликни ўзининг якин дўсти ва фикрдоши, шоир Амир Шайхим Сухайлийга топширади. «Бу нозиктаъб ва зукко Амир 20 йилдан ортик Бойқарога мулозим бўлди». Лекин Бойқаро дўстининг норозилигига ҳам карамай, 1472 йил феввалида уни вазир лавозимига тайинлайди ва «Амири Кабир» («Улуг Амир») унвонини беради. Бу лавозимда Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнаки, адолат тантанаси учун фойдаланадики, буларнинг барчаси пировард натижада Султон Хусайн давлатининг барқарорлиги ва нуфузини таъминлайди.

Хирот бу даврда ниҳоятда кўркамлашди, халк турмуши яхшиланди, шеърят, нафис санъатлари ривож олди. Талабалар учун «Ихлосия» мадрасаси, дарвешлар учун «Халосия» хонахои, беморлар учун «Шифоия» шифохонаси, масжиди Жомеъ ёнига корихона («Дор ул хуффоз») курилди. Улуг амирнинг кутубхонасида 70 дан ортик хаттот ва мусаввирлар кўлёмаларни окка кўчириш, уларни бадий безаш билан банд эдилар. Хиротда яна «Низомия», Марвда «Хусравия» ва бошка мадрасалар бино этилди.

Навоий Мадраса, шифохоналар курдириб кўя колмасдан, уларни керакли даражада жихозлаш, ўз-ўзини таъминлаш учун вакф ерлар ажратиб бериш, мударрислар, табиблар ва бошка ходимлар билан таъминлаш, уларга ойлик маош, озука, кийим-бош белгилашгача, талабалар нафакаси ва китобларигача, барча-барчасини мукамал бошкариб, ташкил этиб берар эди ва ўзи доимо хабар олиб, назорат килиб туришни хам унутмасди. Бинолар курилиши тархи билан бевосита шугулланар, уста ва шогирдлар мехнатидан бохабар бўлиб турарди. Шоир ўз хузурига тез-тез шеър, илм ва санъат ахлини чорлаб, маърифий сухбатлар уюштириб турар, ёш истеъдодларни тарбият килиб, уларга шароит яратарди. Хондамир, Бехзод, Восифий ва ўнлаб ушбу тарбиятга ноил бўлган истеъдод эгалари шулар жумласидандир.

Шу давр ичида Алишер Навоий ўз кўли билан биринчи девони «Бадойи ул-бидоя» («Бадиийлик ибтидоси»)ни тузди. Бу девонга унинг ёшлик ва йигитлик пайтларида ёзган 800 дан ортик шеърлари жамланган бўлиб, шоир ижодий камолотининг биринчи боскичини акс эттиради.

Алишер Навоийга багишланган тарихий ва илмий асарларда батафсил тавсиф килинишича, 1469—1481 йиллар Алишер Навоийнинг ижтимоий хаёт ва ободончилик борасидаги энг фаол хизмат кўрсатган йиллари бўлган. Шоир 1481 йили «Вакфия» асарини ёзиб, унда ўзининг бинокорлик ва хайрия ишларига якун ясаб, ўз-ўзига хисоб берган.

Навоий дехкончилик ишларини йўлга кўйиб, жуда яхши натижаларга эришган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шохрухий динор микдорида эди. Улуг Амир бу даромаднинг кўп кисмини хайрли ишларга сарф килган. Тарихчи Хондамир Навоий курган 52 работ, 20 ховуз, 16 кўприк, бир канча тўгон, арик, хаммом, масжид-мадрасаларни эслайди. Навоий турли соха олимларига хомийлик килиб, ўнлаб илмий рисоалар битилишига бевосита сабабчи бўлган.

Алишер Навоий ўзи ва салафлари — Низомий, Дехлавий, Хофиз, Ирокий ва бошқалар яратган мустакил бадий тафаккур тарзини «мажоз тарики» деб номлади ва унда Хак асрори «мажоз сувратинда» акс этишини таъкидлаган. Бу Борликни ўзига хос идрок этиш тарзи Накшбандиянинг: «Дил ба ёру даст ба кор», коидасига мувофик бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуктада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавхид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юкори боскичи бўлган бу дунёкараш тизими «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» асарларида, шоир лирикасида бадий инъикосини топган.

1500 йилларга келиб шоирнинг хаёт шароити кийинлашиб, соглиги заифлашиб колса-да,

ижоддан тўхтамади. 1501 йилнинг бошида Навоий касалликдан вафот этди. Бутун Хирот халки ўзининг буюк шоири билан хайрлашишга чикди ва 7 кун давомида мотам тутди.

Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилабгина колмай, Мовароуннахр ва Хуросоннинг бутун маънавий маданияти тараккиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърияти кайта-кайта кўчирилиб, халк орасида кенг таркалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди.

Алишер Навоий ижодини ўрганиш, унинг илмий тахлили бўйича сўнгги йилларда катор таникли тадқиқотчилар иш олиб бордилар ва бугунги кунда ҳам Навоийнинг мероси кўпгина олимларимизни илхомлантириб келади. Хозирда мактаблар, хиёбонлар, кўчалар буюк шоиримиз номи билан юритилади. Унинг номида Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилган.

Фаолияти

1483 йилдан Алишер Навоий ўзининг буюк «Хамса» асарини ёзишга киришди ва уни уч йилда тугаллади. Беш дostonни ўз ичига олган бу улкан бадиий комус 50 минг мисрадан ошик бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросини деярли ярмини ташкил килади. «Хамса» — Алишер Навоий ижодининг калбидир.

Форс тилидаги биринчи «Хамса» буюк шоир Низомий Ганжавий (1141—1209) томонидан яратилди. Шоир ҳеч бир ўринда ўзининг «Хам-са» ёзганлигини кайд этмайди. Низомий вафотидан 100 йил ўтиб, Хиндистонда тугилиб ўсган форсийзабон турк ўғлони Хусрав Дехлавий Низомий «Хамса»сига биринчи бўлиб татаббу ёзади ва «хамсачилик» анъанасини бошлаб беради. Дехлавий «Хамса»си Низомийга ажойиб шарх ва ундаги мазмунларнинг янгича талкини сифатида ўзининг ҳам, салафининг ҳам шухратини оламга ёйди. Кейинги ХИВ—ХВ асрлар минтака маънавияти «Хамса» анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салохияти ва иктидори ҳеч бўлмаганида «Хамса»нинг бир дostonига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу жахон маънавияти тарихида бетакрор ходисадир. Туркий адабиётда Кутб ва Хайдар Хоразмийлар бошлаб берган «хамсачилик» анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида топди.

Ислom акидаларига кўра бир кеча-кундузда ўкиладиган беш вақт намоз «ал-Хамсату» дейилади, динимизнинг беш устунни (рукни) ҳам тавхид (имон), намоз, рўза, закот, хаж — ўзига хос «Хамса» (бешлик)ни ташкил этади. Демак, Низомий дostonларининг «Хамса» туркуми сифатида талкин этилиши, унга Амир Хусрав ва Навоий жаноблари бежиз эмас. Алишер Навоий «Садди Искандарий» дostonининг мукаддима кисмида бу масалага махсус тўхталиб, «Хамса»нинг хар бир дostonи ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўкиладиган сахар, пешин, аср, шом ва хуфтон намозлари билан киёс этади ҳамда «Хамса»ни буюк тоғ чўккисига кўтарилиш мобайнида беш ўринда тўхтаб, нафасни ростлаш учун бино этилган беш оромгоҳга ўхшатади.

Навоий ўз «Хамса»сини яратишга 1483 йилда киришган бўлса, унинг биринчи дostonи «Хайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг хайратланиши»)ни ўша йили ёзиб тугатди. 1484

йилда «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» («Етти сайёр»), 1485 йилда «Садди Искандарий» достонини поёнига етказди. Шоир ўз «Хамса»сига киритилган достонларда ўша давр учун мухим бўлган муаммоларни кўйди, мутафаккир сифатида илгор карашларни илгари сурди, ўзбек тилининг кудратини оламга намойиш этди.

Навоийнинг туркийча «Хамса»сининг яратилиши XV асрда Хуросон эли учун фавкулудда шодумонлик ва саодат сифатида қабул қилинди. Даврнинг икки кутби — маънавият пири Жомий ва буюк султон Хусайн Бойқаронинг хайрати ва юксак эътирофи ушбу ҳақиқатга далилдир.

Навоий шу йиллар орасида иккинчи девони — «Наводир ун-нихоя» («Беҳад нодирликлар»)ни тузишга киришди. Мутафаккир адиб тарихий ҳақиқатга ҳам муайян изчилликда ўз муносабатини билдириб ўтишни инсоф юзасидан лозим топди ва «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи») асарини ёзиб тугатди.

1487 йили қишда Навоий Астробод ҳокими этиб тайинланди. Бошқа бек ва амирлар учун шарафли ҳисобланиши жоиз бўлган бу мартаба Амир Алишернинг нозик табиати учун муайян даражада озорли бўлди. Аммо шох ҳукми вожиб, Амири Кабир ўлканинг хассос бир ҳудудини муҳофаза ва обод қилиш ниятида жўнаб кетди. Астрободда Навоийнинг икки йил чамаси ҳокимлиги бу шаҳар аҳли учун саодатли, Бойқаро салтанати учун хайрли бўлди.

Бу орада бирин-кетин Навоийнинг энг яқин устоз ва мусоҳиблари ҳаётдан кўз юмдилар. 1488 йили Сайид Хасан Ардашер, 1492 йили Абдурахмон Жомий, 1493 йили Пахлавон Мухаммад вафот этди. На-воий устозлари хотирасига «Холоти Сайид Хасан Ардашер», «Холоти Пахлавон Мухаммад», «Хамсат ул-мутахаййирин» («Беш хайрат») асарларини шу йиллар ичида ёзиб тугаллади. Бу асарларида ўша давр воқелигига оид кимматли маълумотлар билан бирга Навоий яратган янги бадиий оламнинг назарий асосларига оид бир қатор далил ва мулоҳазалар ҳам баён этилган. Шу йилларда яна Навоий давр шуароси хусусида «Мажолис ун-нафоис» ва ислом маънавиятининг буюк сиймолари, хусусан, турк, форс, хинд машойихлари тарихига оид «Насоим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шаббодаси») рисоаларини ёзади. Бу асарлар ниҳоятда мухим манба бўлиб, ўша давр маънавиятининг жонли сиймоларидан мингга яқин киши ҳақида кимматли маълумотларни ўзида жам этган. Бундан ташқари нафакат тасаввур ирфони ва адабиёти, балки ислом даври маънавиятининг бошқа мухим жихатлари ҳақида ҳам кўплаб назарий мулоҳазалар ушбу асарлар катидан жой олган бўлиб, уларни муфассал тадқиқ этиш миллий маънавиятимизни холис англаб етишда бугунги авлодлар учун беназир манба ва асос бўлиб хизмат этади.

1492 йилда аруз илмига бағишланган «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови») рисоласи ёзилди ва шоир ўз лирик ижодини қайта таксимлаб, янги девонлар мажмуи «Хазойин ул-маоний» («Маънолар ҳазинаси»)ни яратиш ишига астойдил киришди. «Чор девон» номи билан шуҳрат қозongan бу буюк мажмуа 45 минг мисрага яқин турли жанрлардаги кичик ва ўрта ҳажмли шеърларни ўзида жамлаган бўлиб, «гаройиб ус-сигар» («Болалик ажойиботлари»), «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик даври нодирликлари»),

«Бадоеъул-васат» («Ўрта ёш кашфиётлари»), «Фавойид ул-кибор» («Кексаликдаги фойдали мулохазалар») номлари билан аталади. Бу тўрт жилдда 16 жанрга оид 3000 дан ортик шеър бўлиб, уларда 2600 газал, 210 китъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо ва бошқалар мавжуд. «Хазойин ул-маоний»га олдинги икки алохида девондаги шеърларнинг деярли барчаси кирган бўлиб, кейин яратилган 1400 га яқин янги асарлар кўшилган.

Бу туркий тилда ёзилган асарлари, дostonлари, шеърларидан ташкари Навоий форс тилида ҳам 12 минг мисрадан ошди шеър, муаммо жанри хакида «Муфррадот» рисоласини, «Ситтайи зарурия», «Фусули арбаа» туркум киссаларини ёзди, «Фоний» тахаллуси билан алохида девон тузди. Ушбу асарлар Хоконий, Амир Хусрав, Саъдий, Хофиз, Камол Хўжандий, Жомий каби форс адабиётининг мумтоз намояндалари билан ижодий бахсда тугилган бўлиб, ҳам бадиий ифода, ҳам мазмуний теранликда салафлар билан тенг кудрат намойиш этади.

Навоий 1498 йилда «Лисон ут-тайр», 1499 йилда «Мухокамат ул-лугатайн», 1500 йили «Махбуб ул-кулуб» асарларини ёзди. Бу уч асар буюк шоир ва мутафаккир ижодининг авж нукталари эди. Адиб «Мухокамат ул-лугатайн» да ўзининг бутун ижодий йўлини сархисоб қилиб, туркий тилдаги шеърятнинг кудратини таъкидлаган. Унда, жумладан, куйидаги маълумот бор: «Чун «Лисон ут-тайр» илхоми била тараннум тузупмен, куш тили ишорати била хакикат асрорини мажоз суратида кўргузупмен».

Алишер Навоий гўдаклик чоғларидан тасаввуф шеърятининг устоиди Фаридиддин Аттор яратган «Мантик ут-тайр» асарига меҳр кўйгани бизга маълум. Умрининг охирида ушбу асарга татаббу — жавоб ёзар экан, ўзининг шунгача ёзган барча асарларига фалсафий яқун ясайди. Аттор асари Борликнинг ягона мохияти хакида, Хак асрори ва инсон учун уни англаб етиш имкон даражаси хакида эди. «Лисон ут-тайр» мазмуни «Мантик ут-тайр»га зид ёки ундаги фикрларнинг такрори ҳам эмас, балки янги тарихий-маънавий боскичдаги шарҳи, талқинидир.

Атторнинг кушлар тилидан ёзилган достонида ирфоний эхтирос ниҳоятда жўшқиндир. Навоий эса босик воқеабанд тасвирга ургу беради, кушлар саргузаштида ва ички хикояларда ҳаётийликни кучайтиради. Бу бежиз эмас. Охириги хулосада Навоий салафига караганда олға кетади, масала мохиятини теранроқ хис қилади ва бадиий тасвирни ҳам шунга муносиб яратади.

Ниҳоят Навоий охириги асари «Махбуб ул-кулуб» («Кўнгилларнинг севгани») рисоласида барча саволларга яна ўзи жавоб берган. Бу асар том маънода ижтимоий-фалсафий ва ахлокий гоёларга тўлиқ бўлиб, XV асрда мавжуд бўлган барча ижтимоий тоифалар мохияти муфассал очиб берилган, ижтимоий ва ахлокий ходисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги ишонarli таъкидланган. Бу асар турли афоризм, макол ва маталларга бой бўлиб, халқ орасида жуда кенг тарқалган.

Алишер Навоий ўзи ва салафлари — Низомий, Дехлавий, Хофиз, Ирокий ва бошқалар яратган мустақил бадиий тафаккур тарзини «мажоз тариқи» деб номлади ва унда Хак асрори «мажоз сувратинда» акс этишини таъкидлаган. Бу Борликни ўзига хос идрок

этиш тарзи Накшбандиянинг: «Дил ба ёру даст ба кор», коидасига мувофик бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуктада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавхид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юкори боскичи бўлган бу дунёкараш тизими «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» асарларида, шоир лирикасида бадий инъикосини топган.

1500 йилларга келиб шоирнинг хаёт шароити кийинлашиб, соглиги заифлашиб колса-да, ижоддан тўхтамади. 1501 йилнинг бошида Навоий касалликдан вафот этди. Бутун Хирот халки ўзининг буюк шоири билан хайрлашишга чикди ва 7 кун давомида мотам тутди. Навоий ўз ижоди билан узбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилабгина колмай, Мовароуннахр ва Хуросоннинг бутун маънавий маданияти тараккиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърияти кайта-кайта кўчирилиб, халк орасида кенг таркалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди. Алишер Навоий ижодини ўрганиш, унинг илмий тахдили бўйича сўнгги йилларда катор таникли тадқиқотчилар иш олиб бордилар ва бугунги кунда хам Навоийнинг мероси кўпгина олимларимизни илхомлантириб келади. Хозирда мактаблар, хиёбонлар, кўчалар буюк шоиримиз номи билан юритилади. Унинг номида Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилган.

М. Имомназаров